

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ДАРАЖАЛАРИ

**Алланиязов Бахадир Уббиниязович**

*Қорақалпоқ давлат университети тадқиқотчиси*

### ARTICLE INFO.

**Калит сузлар:** инфратузилма,  
ижтимоий хизматлар,  
инвестициялар, давлат-хусусий  
шерикчилик.

### Аннотация

Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий инфратузилмаси таркибий мажмуалари ўртача йиллик инвестициялар ҳажми, ўсиш суръатларининг ҳудудлар кесимида юқори, ўрта ва паст даражаларда гуруҳланди ва ҳудуд инфратузилмаси ижтимоий хизматлари тизими ривожланиш жараёнлари ва даражалари аниқланди.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2024 LWAB.

Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий инфратузилмасини истиқболли ривожлантириш йўналишлари сифатида моддий ишлаб чиқариш ва аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатувчи давлат, хусусий, аралаш мулк хўжалик субъектлари, нотижорат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигига асосланган ижтимоий инфратузилманинг аралаш моделини шакллантириш билан боғлиқ бўлган; истеъмол товарлари, хизматлар, кўчмас мулк, алоқа ва ахборот бозорлари ва бошқа ижтимоий хизматларини ривожлантириш шакллари қаралади.

Шулардан ижтимоий инфратузилма мажмуалари тармоқ ва ҳудудий-маъмурий тузилмаларини шакллантириш ва такомиллаштиришда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилиши мумкин бўлган чора-тадбирлари айниқса ўта истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Бундай ижтимоий хизматларнинг тизимлаштирилган чора-тадбирларида инвестицион-инновацион лойиҳаларнинг молиявий базаси, ижтимоий хизматлар кўлами ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга ёрдам берадиган ДХШ ва хорижий инвестицияларни катта аҳамият касб этмоқда. Улар республика ва маҳаллий ҳокимиятларга бюджет маблағларини тежаш каби ижобий жараёнларни рағбатлантиради. Шунингдек минтақаларда давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигининг истиқболли шакли бу концепция шартномалари бўлиб, уларнинг афзалликлари узоқ муддатли хусусиятга эга бўлиб, ишончли ва кафолатли барқарор фаолият олиб боришни таъминлайди. Бундай шартномалар ҳамкорлигида бошқарув ва маъмурий қарорларни қабул қилишда давлат ва хусусий секторда кўпроқ эркинлиги кейингисига берилади ва уларнинг оқибат натижаси аҳолини ижтимоий хизматлардан, энг муҳими тўлиқ қониқшини ижтимоий лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда пайдо бўлиши мумкин бўлган беқарорлик ва хавфсизликни камайтиришга хизмат қилади.

Ижтимоий инфратузилма тизими ҳудудий иқтисодий мажмуаларнинг ажралмас элементи сифатида шаклланиб, у минтақа моддий ишлаб чиқариши, аҳоли фаровонлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиши лозим. Ижтимоий инфратузилма фаолияти таҳлили

ижтимоий хизматлар истеъмол бозорини худудий маҳаллийлаштириш унинг тармоқлари учун устувор вазифа ҳисобланади. Яъни, ижтимоий инфратузилма маълум бир худудга боғланган ва ижтимоий инфратузилмаси таркибий объектлари сони, ва ижтимоий инфратузилма мажмуалари сони уларнинг худудий ривожланиш даражаси, аҳоли зичлиги, реал даромадлари, ўзига хос табиий географик ҳолати каби бир қатор омилларга бевосита боғлиқ бўлади. Шу сабабли ҳам минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш самарадорлиги кўп жиҳатдан ижтимоий инфратузилманинг мажмуалари таркибига ва улардаги хўжалик субъектлари сони ва ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Маълумки, Орол бўйи минтақаси иқтисодиётининг истиқболли, жадал ривожланаётган йўналишлари бўлиб ижтимоий инфратузилма ҳисобланади. Бу инфратузилма кенг кўламли турли фаолият соҳалари бўлган: савдо овқатланиш, уй-жой, коммунал ва транспорт-логистика хизматларидан тортиб молиялаштириш, суғурта, маслаҳат-реклама ва турли хилдаги воситачилик ва бошқа хизмат турларини қамраб олади.

Бу минтақа иқтисодиёти ишлаб чиқарувчи кучлар ва минтақа табиий-экологик, ижтимоий-демографик вазияти мураккаб бўлганлиги ва мамлакатнинг марказий ривожланган иқтисодий салоҳиятининг даражаси билан бошқа иқтисодий минтақаларидан ажралиб туради. Қорақалпоғистон Республикаси минтақасининг бошқалардан нисбатан узоқда жойлашганлиги ўзининг худуди ҳам жуда кенглиги каби хусусиятлари билан ажралиб турганлиги унинг моддий ишлаб чиқариш ва аҳолиси эҳтиёжини асосан ўзи таъминлаши, рақобатбардош истеъмол товарларини тўлиқроқ ишлаб чиқариш вазифасини кўяди. Ҳозирги вақтда жаҳоннинг ривожланган давлатлари инновациялардан фойдаланиш, юқори технологияли ижтимоий маҳсулотларни ишлаб чиқиш орқали ўз минтақаларида ижтимоий хизматлар рақобатбардошлигини оширишда, пировард мақсадда уларни яратиш илмий-техникавий салоҳиятини узлуксиз ва жадал ривожлантириш орқали эришмоқдалар.

Республикада кейинги йилларда хизмат кўрсатиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳалари жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг миллий иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш фаровонлигини юксалтиришда ҳаракатлантирувчи куч сифатидаги роли ҳамда бошқа қатор ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда бўлгани каби мустақамланиб бормоқда. Иқтисодиётда банд бўлганлар улуши хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳолининг улуши ортиб бормоқда. Лекин бу кўрсаткич ривожланган мамлакатлардаги аҳоли бандлиги билан солиштириганда анча пастлигича қолмоқда. Бу долзарб вазифаларни самарали амалга ошириш хизмат кўрсатиш, хусусан ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини оширишда ривожланган хорижий мамлакатларнинг бу йўналишдаги тажрибасидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланган мамлакатларда аҳоли бандлигини таъминлашда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни жадал ортиб бормоқда. Фарбнинг ривожланган давлатларида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоизидан ортиғи хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритади. Шу муносабат билан мамлакат ва унинг минтақаларида, айниқса инновацион хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, хориж тажрибаси асосида янги иш ўринларини яратишда унинг ролини ошириш масалалари бугунги куннинг энг долзарб масалаларидандир.

Ҳозирги даврга келиб минтақалар ва улар таркибий қисмларининг жорий салоҳиятини улар олдинги йилларда қўйилган инвестициялар шу жумладан тўғридан-тўғри инвестициялар билан ҳажмлари кафолатланади. Уларнинг ҳажми ва мақсади йўналтирилганлиги минтақа маъмурий-худудий бирликларининг ривожланиш даражаларидаги фарқларида ўзининг ифодасини топади. Албатта, бу маъмурий-худудий бирликларидаги фарқлари инвестициялар ҳажми ва самара берадиган устувор соҳаларга йўналтирилганлиги билан бир қаторда худудларни қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус ижтимоий давлат ва маҳаллий ижтимоий дастурлари асосида ҳам шаклланади. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси минтақасининг

шимолий ҳудудлари аҳолиси учун табиати, экологик ҳолатининг салбий оқибатлари таъсирини камайтириш мақсадида экологик коэффицентлар ўрнатилган. Аҳолининг ижтимоий имтиёзлар ва хизматлар турлари таъминлаши каби ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлашлар, тадбиркорликка кредит ва солиқлардан имтиёзлар ҳам минтақанинг бу экологик ва демографик шароитлар мураккаб бўлган ҳудудлар шарт-шароитларида фарқланишларга олиб келди. Айниқса, бу ҳудудлар ва умуман Қорақалпоғистон республикаси ишлаб чиқаришга турли имтиёзлар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли дастурлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Жумладан, статистика органлари ва давлат сайтлари маълумотларига кўра ижтимоий соҳалардаги қатор изчил ислоҳотлар натижасида Қорақалпоғистон аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси ҳозирги даврга келиб 71 фоизга етказилди, бошланғич синф ўқувчиларига бепул овқатлантириш йўлга қўйилди. Орол денгизининг қуриган ҳудуди ўрнида 1,8 млн. гектар яшил ўрмонзорлар яратилди.<sup>1</sup> Айниқса, минтақа ижтимоий инфратузилмасининг ҳаётий муҳим қисми бўлган уй-жой ва коммунал хизматлар, таълим; соғлиқни сақлаш тизимларида салмоқли натижаларга эришилди. Яъни 51 минг оиланинг уй-жой шароити яхшиланди, боғчалар қамрови 81 фоизгача кўтарилди ва улар сони 1,6 мингга кўпайди, олийгоҳлар сони 12 тага етказилиб уларга қабул мактаб ва коллежлар битказувчиларининг катта қисмини қамраб олди. Соғлиқни сақлаш тизимида олис ва чекка овулларда ишлаётган барча малакали шифокорлар ойликларига 5 млн. сўмгача устама ва республиканинг марказий даволаш муассаларга келган беморларнинг авиа ва темир йўл харажатлари тўлиқ қоплаб берилиши ижтимоий хизматларнинг самарали манзилли бўлишини таъминламоқда<sup>2</sup>.

2030 йилга қадар Республикада катта ҳажмдаги ижтимоий хизматлар тўпламини амалга ошириш йўлга қўйилади: 70 минг хонадонга эга бўлган 2 мингта кўп қаватли уйлар қурилади, олис ва чекка овулларда 6 минг километр йўллар таъмирланади, минтақанинг ижтимоий ва маҳаллий бошқарув органлари ҳамда 17 минг хонадонда 55 мегаватт қувватли қуёш панеллари ўрнатилади, бакалавриятда ўқиётган хотин-қизлар контракт тўлови даромад солиғидан озод қилинади ва уларнинг магистратурада ўқиётганлари эса давлат ҳисобидан таълим олишади, шунингдек Тошкент-Нукус-Тошкент тезювар поездлар қатнови яқин йилларда йўлга қўйилиши натижасида бу ҳудудлардан марказга бориш вақти 2-2,5 баробар қисқаради ва бу мақсадларни амалга ошириш лойиҳалари учун 460 млн. АҚШ доллари ажратилади<sup>3</sup>.

Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг бошланғич бўғини бўлган маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини ошириш учун бир қатор моддий қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилади. Аҳолидан йиғиладиган мол-мулк ва ер солиқлари ягона мулк солиғи бўлиб бирлаштирилади ва уларнинг аҳолидан ундириладиган 230 млрд. сўми тўлалигича маҳалла бюджетига ўтказилиб маҳалла эҳтиёжлари учунгина ишлатилиши маҳалла даражасида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўлга қўйиладиганлигини билдиради<sup>4</sup>.

Биз Қорақалпоғистон Республикаси давлат статистика органларининг ижтимоий соҳаларига тегишли кейинги ўн йиллик маълумотларини ҳудудлар кесимида қиёсий таҳлилини ўтказдик. Бунинг натижасида ижтимоий инфратузилмага инвестицияларнинг асосий кўрсаткичлари, маъмурий-ҳудудий бирликлар бўйича ўртача йиллик инвестициялар ва ижтимоий инфратузилма объектлари бўйича ўртача йиллик ўсиш суръатлари ҳисобланди. Шунингдек, минтақа ижтимоий инфратузилмасининг таркибий қисмлари ва ҳудудлар кесимида юқори, ўрта ва паст даражалари бўйича бир кишига тўғри келган инвестициялар ҳажми ҳамда уларнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари бўйича гуруҳланди ҳамда бу гуруҳларга таснифлашга тўғри келадиган

<sup>1</sup> www.stat.uz

<sup>2</sup> www.stat.uz

<sup>3</sup> www.stat.uz

<sup>4</sup> www.stat.uz

маъмурий-худудий бирликлар ажратилди.

Биз умуман Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий инфратузилмасини ижтимоий хизматлар тизими ривожланиши жараёнлари ва даражалари таҳлил қилиш мақсадида минтақа таркибини маъмурий-худудий кесимда асосий кўрсаткичлари таҳлилинин кейинги 10 йиллик статистик маълумотлари асосида ўргандик. Бу асосий таҳлил кўрсаткичлари сифатида:

- ўртача ялпи худудий маҳсулотнинг умумий инвестициялар ҳажми 1 кишига тўғри келган ҳажми ва унинг ўртача ўсиш суръати;
- минтақа ижтимоий инфратузилманинг уй-жой ва коммунал хизматлар мажмуаси хизматлари ҳажми ва унинг ўртача ўсиш суръати;
- минтақа транспорт-логистика мажмуаси хизматлари ҳажми ва унинг ўртача йиллик ўсиш суръати;
- минтақа истеъмол бозори мажмуасига ўртача инвестициялар ҳажми ва унинг йиллик ўсиш суръати;
- минтақа ижтимоий-маданий мажмуасига ўртача инвестициялар ҳажми ва унинг йиллик ўсиш суръати;
- минтақа алоқа ва коммуникациялар мажмуасига ўртача инвестициялар ҳажми ва унинг йиллик ўсиш суръати.

Натижада минтақа ижтимоий инфратузилма таркибий қисмларига кейинги 10 йилда йўналтирилган инвестициялар ҳажми ва уларнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари умумлашган 5 та ижтимоий мажмуаларининг юқори, ўртача ва паст даражалари бўйича ажратилиб қайси маъмурий-худудий бирликлар қайси мажмуаларига кириши асосланди.

Шунингдек, минтақа ЯҲМи, ижтимоий инфратузилмаси таркибий қисмлари асосий кўрсаткичларининг 1 кишига тўғри келадиган қийматлари, ўртача йиллик ўсиш суръатлари ривожланишнинг юқори, ўртача ва паст суръати худудлар кесимида гуруҳланди. (2-жадвал.)

Таҳлилда типологиялаштириш қоидаларига асосан минтақанинг умумлашган ижтимоий хизматлар гуруҳлари сифатида қабул қилинган қисмлари типология даражаларини асослади. Бу таҳлилга Қорақалпоғистон Республикасининг йирик шаҳарлари ва табиий, географик иқтисодий шароитлари ва ресурслари яхши бўлган моддий ва номоддий ишлаб чиқариши шаклланган худудлари аксарият кўпчилиги биринчи юқори даражадан ўрин олдилар. Аксинча, минтақанинг моддий ишлаб чиқариш даражалари паст ижтимоий хизматлар объектлари ва аҳоли сони кам бўлган чекка ва олис туманлари кейинги, паст ва ўртача даражаларга тўғри келишди.

**1-жадвал. Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий инфратузилмаси таркибий мажмуалари ўртача йиллик инвестициялар ҳажми, ўсиш суръатларининг худудлар кесимида юқори, ўрта ва паст даражаларда гуруҳланиши (Ўртача 10 йиллик маълумотлар асосида)<sup>5</sup>**

№		Юқори	Ўртача	Қиска
1.	Умумий ўртача йиллик инвестициялар ҳажми млрд. сўм	253.7	127.6	53.4
	Ўртача йиллик ўсиш суръати, %	12.9	11.8	14.1
	Худудлар	Нукус ш., Амударё, Беруний, Тўрткўл	Кўнғирот, Хўжайли, Эллиққалъа,	Бозатау, Кегейли, Қанлиқўл, Қораўзақ, Мўйноқ, Нукус т., Тахиатош ш., Тахтақўпир, Чимбой, Шуманай

<sup>5</sup> Манба: Республика статистика органлари маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

2.	Уй-жой курилиши соҳасига ўртача йиллик инвестициялар ҳажми миллиард сўм. Ўртача йил. ўсиш суръати, % Худудлар	53.6 5.1 Нукус ш., Беруний, Тўрткўл, Нукус т.	31.2 7.2 Амударё, Хўжайли, Элликқалъа,	11.1 6.8 Бозатау, Кегейли, Қанликўл, Қораўзак, Қўнғирот, Мўйноқ, Нукус т., Тахиатош ш., Тахтакўпир, Чимбой, Шуманай
3.	Транспорт соҳасига ўртача йиллик инвестициялар ҳажми миллиард сўм. Ўртача йил. ўсиш суръати, % Худудлар	28.9 21.0 Нукус ш., Амударё, Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа	10.0 15.2 Қанликўл, Қўнғирот, Нукус т., Тахиатош шоссеси, Хўжайли, Чимбой, Шуманай	3.6 12.6 Бозатау, Кегейли, Қораўзак, Мўйноқ, Тахтакўпир,
4.	Алоқа, ахборот-коммуникация соҳасига ўртача йиллик инвестициялар милрд сўм. Ўртача йил. ўсиш суръати, % Худудлар	3.93 22.3 Нукус ш., Амударё	2.72 20.1 Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа	1.44 17.4 Бозатау, Кегейли, Қанликўл, Қораўзак, Қўнғирот, Мўйноқ, Нукус т., Тахиатош ш., Тахтакўпир, Хўжайли, Чимбой, Шуманай
5.	Истеъмол бозори ўртача йиллик инвестициялар ҳажми миллиард сўм. Ўртача йиллик ўсиш суръати, % Худудлар	119.4 19.4 Нукус ш.	45.7 12.3 Қўнғирот, Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа, Амударё	15.5 10.7 Бозатау, Кегейли, Қанликўл, Қораўзак, Қўнғирот, Мўйноқ, Нукус т., Тахиатош ш., Тахтакўпир, Хўжайли, Чимбой, Шуманай
6.	Йиллик ижтимоий маданият соҳаси ўртача инвестициялар миллиард сўм. Ўртача йиллик ўсиш суръати, % Худудлар	91.7 18.3 Нукус ш., Амударё, Беруний, Тўрткўл	38.8 14.1 Хўжайли, Элликқалъа, Тахиатош ш., Чимбой, Қўнғирот	16.1 9.8 Бозатау, Кегейли, Қанликўл, Қораўзак, Мўйноқ, Нукус т., Тахтакўпир, Шуманай

**2-жадвал. Қорақалпоғистон Республикаси ЯХМ, ижтимоий инфратузилмаси умумлашган таркибий мажмуалари асосий кўрсаткичлари бўйича юқори, ўрта ва паст даражаларининг ҳудудлар кесимида 1 кишига нисбатан гуруҳланиши (Ўртача 10 йиллик маълумотлар асосида)<sup>6</sup>**

№		Юқори	Ўртача	Қисқа
1.	1 кишига тўғри келадиган ЯХМнинг ўртача йиллик ҳажми, минг сўм Ўртача йиллик ўсиш суръати, % Ҳудудлар	7843.5 12.4 Нукус ш.	4750.3 16.2 Қонликўл, Қўнғирот, Мўйноқ, Нукус тумани, Тахтақўпир, Амударё, Тахياتош	2854.1 12.7 Беруний, Қораўзак, Кегейли, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Эллиққалъа, Бозатау
2.	Ўртача йил. 1 кишига аҳолининг пуллик хизматлари. минг сўм Ўртача йиллик ўсиш суръати, % Ҳудудлар	2960.2 15.8 Нукус ш., Қўнғирот, Тахтақўпир	1445.4 14.2 Тахياتош, Қонликўл, Мўйноқ, Нукус тумани, Хўжайли, Чимбой, Амударё	705.5 16.3 Беруний, Қараўзак, Кегейли, Тўрткўл, Шуманай, Эллиққалъа, Бозатау
3.	Ўртача йил. умумий овқатланиш, 1 кишига. минг сўм Ўртача йил. ўсиш суръати, % Ҳудудлар	2366.0 17.2 Нукус ш., Қонликўл, Қўнғирот, Тахтақўпир, Хўжайли	1440.2 15.3 Амударё, Қораўзак, Кегейли, Тўрткўл, Чимбой, Тахياتош, Эллиққалъа Мўйноқ	876.4 21.7 Беруний, Тахياتош, Нукус тумани, Шуманай, Бозатау
4.	Ўртача йил. уй-жой қурилиши ҳажми, 1 киши учун минг сўм Ўртача йил. ўсиш суръати, % Ҳудудлар	670,8 12.4 Нукус ш., Қўнғирот	477,5 11.8 Тўрткўл, Хўжайли, Мўйноқ, Тахياتош	340.1 14.6 Амударё, Беруний, Қонликўл, Қораўзак, Кегейли, Нукус тумани, Тахтақўпир, Чимбой, Бозатау, Шуманай, Эллиққалъа
5.	Ўртача йил. транспорт хизматлари 1 кишига ўртача минг сўм. Ўртача йиллик ўсиш суръати, % Ҳудудлар	617.4 16.0 Нукус ш., Қўнғирот	379.2 15.6 Беруний, Амударё, Мўйноқ, Тахياتош.	228.8 14.8 Қонликўл, Қораўзак, Кегейли, Нукус тумани, Тахтақўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Эллиққалъа, Бозатау
6.	1 киши учун ўртача	168.9	102.8	62.6

<sup>6</sup> Манба: Республика статистика органлари маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

	йиллик маиший хизматлар. минг сўм Ўртача йиллик ўсиш суръати, % Худудлар	14.1 Нукус ш., Қўнғирот, Амударё	12.2 Амударё, Қонлиқўл, Мўйноқ, Нукус тумани, Тахтақўпир, Хўжайли, Чимбой, Тахиатош	14.4 Беруний, Қораўзак, Кегейли, Тўртқўл, Шуманай, Эллиққалъа, Бозатау
7.	Ўртача йил. 1 киши учун ахборот-коммуникация хизматлари минг сўм Ўртача йиллик ўсиш суръати, % Худудлар	201.6 21.4 Нукус ш., Қўнғирот, Нукус тумани, Тахтақўпир	116.7 19.1 Беруний, Қонлиқўл, Қораўзак, Мўйноқ, Хўжайли, Чимбой	67.5 19.8 Тахиатош, Амударё, Кегейли, Тўртқўл, Шуманай, Эллиққалъа, Бозатау
8.	1 кишига таълим ва соғлиқни сақлаш жамғармаларининг ўртача йиллик ҳажми, минг Ўртача йиллик ўсиш суръати, % Худудлар	138.8 20.1 Нукус ш., Қўнғирот, Нукус тумани, Тахтақўпир, Беруний	80.3 18.2 Қонлиқўл, Қораўзак, Кегейли, Мўйноқ, Тўртқўл, Хўжайли, Чимбой, Шуманай, Эллиққалъа, Тахиатош	46.4 15.4 Амударё, Бозатау
9.	Соғлиқни сақлаш учун ўртача йиллик маблағлар ҳажми, минг сўм Ўртача йиллик ўсиш суръати, % Худудлар	63,0 22.3 Нукус ш., Қўнғирот, Хўжайли	37.4 21.7 Хўжайли, Беруний, Мўйноқ, Амударё	21.6 17.6 Нукус тумани, Тахтақўпир, Қонлиқўл, Қораўзак, Кегейли, Тўртқўл, Чимбой, Шуманай, Эллиққалъа, Тахиатош, Бозатау
10.	Таълим хизматлари учун ўртача маблағлар ҳажми, 1 киши, минг сўм. Ўртача йиллик ўсиш суръати, % Худудлар			

Умуман, Қорақалпоғистон Республикаси ижтимоий инфратузилмасида ижтимоий-маданий, алоқа ва ахборот коммуникация технологиялари хизматлари мажмуаларининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари инфратузилманинг бошқа мажмуаларининг фаолиятига аҳоли турмуш шароитига инқилобий таъсири юқорилиги бу мажмуаларни яқин истикболда янада жадал ривожлантириш худуднинг иқтисодий, ижтимоий ва табиий-экологик шароитини тубдан яхшилашга қаратилган стратегик мақсадларини рўёбга чиқаришга самарали хизмат қилади.

### Адабиёт

1. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
2. Манба: Республика статистика органлари маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси